# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 29 сентябрь, № 202 (7160) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МДҲНИНГ ДУШАНБЕ САММИТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 27-28 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди.**



Саммитнинг асосий тадбирлари 28 сентябрь куни бўлди.

Душанбедаги «Кўҳи Сомон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Дастлаб давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўтган йил Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлигида мутлақо янги босқич бўлганини таъкидлаш лозим. Бу мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар билан турли соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фан, таълим ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз дунё миқёсида жадал ўзгаришлар рўй бераётган, глобал хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кооперацияни янада кенгайтириш тарафдори.

Савдо-сотиқ МДҲ давлатлари ҳамкорлигида муҳим ўрин эгаллайди. Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил 3 ноябрь куни Тошкентда илк бор ўтказилган МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлиси ҳам аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ҳамдўстлик доирасида янги, аниқ лойиҳалар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди. Мажлисда аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга доир 20 га яқин масалалар кўриб чиқилди.

Кейинги икки йилда мамлакатимиз билан МДҲ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсмоқда.

Шавкат Мирзиёев бу ҳақда сўз юритар экан, божхона тартиб-таомилларини имкон қадар соддалаштириш, савдода мавжуд барча чекловларни, жумладан, техник тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини, МДҲ эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолият юритиши ва ўзаро бозорларни шакллантириш, шунингдек, қисқа фурсатда Ҳамдўстлик маконида хизматлар сотиш бўйича эркин зонани яратиш муҳимлигини таъкидлади.

— Халқаро ва минтақавий йўлаклардан самарали фойдаланишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш, бунда ўзаро тариф преференциялари беришнинг ягона механизмини жорий этиш, барча турдаги транспортларда юк ташишда талабларни бирхиллаштириш ва турли тўсиқларни бартараф этиш, логистика марказларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга, — деди давлатимиз раҳбари.

Машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати ва қишлоқ хўжалигида ҳамкорликни, жумладан, ўзаро маҳсулот етказиб беришда «яшил йўлаклар»дан кенг фойдаланган ҳолда ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳудудлараро ва чегараолди ҳамкорликни кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу МДҲ давлатлари ва халқлари ўртасида кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Томонлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, МДҲ маконида хавфсизликка таҳдидларнинг ўз вақтида олдини олиш мақсадида самарали ҳамкорликни таъминлаш масалаларини муҳокама қилди.

Президентимиз ёшлар ўртасида радикаллашув муаммосига тўхталиб, таълим, маърифат, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит яратиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатларимизни бирлаштириб турувчи муҳим куч бўлган маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, маънавий қадриятларни асраб-авайлаш ва қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

Тор доирадаги учрашувда 2019 йилда МДҲга раислик ҳамда Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш жойи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорга кўра, келгуси йилда Ҳамдўстликка раислик Туркманистонга ўтди. Ўзбекистон Республикаси ташкилотга ҳамраис этиб белгиланди.

Давлат раҳбарлари музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Унда турли соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларига доир кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди.

Коинотни тадқиқ этиш ва тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида МДҲ конвенцияси ҳамда 1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича асосий тадбирлар режаси маъқулланди.

МДҲга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарларининг 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан баёноти, 2019 — 2023 йилларга мўлжалланган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар давлатлараро дастури, Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, 2021 йилни МДҲда архитектура ва шаҳарсозлик йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор қилинди. Жами 16 ҳужжат имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифи якунланди. Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода кузатиб қўйди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Душанбе — Тошкент.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ДУШАНБЕ ШАҲРИДА МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли Эмомали Шарипович!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Бугунги учрашувимизнинг барча иштирокчиларини самимий қутлаш ва Тожикистон Республикаси Президенти, муҳтарам Эмомали Шарипович Раҳмонга анъанавий самимий меҳмондўстлик ва ушбу мажлисни юксак даражада ташкил этгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилиш даврида тожик биродарларимиз тузилмамиз доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасида самарали ишларни амалга оширганини алоҳида қайд этишни истардим.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Дунёда рўй бераётган жадал ўзгаришлар, тобора авж олиб бораётган глобал таҳдид ва хатарлар шароитида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда ва ўзининг зарур тузилма эканини тасдиқламоқда.

Ўтган йил мамлакатимизнинг МДҲ доирасидаги фаолиятида мутлақо янги босқични бошлаб берганини алоҳида қайд этишни муҳим деб биламан.

Ўзбекистон иқтисодиёт, энергетика, илм-фан ва инновация, жиноятчиликка қарши кураш каби соҳаларни қамраб олган ўндан зиёд тармоқ бўйича ҳамкорликка қўшилди.

Ташкилотимизнинг 2020 йилда бўладиган навбатдаги Саммитини Ўзбекистонда ўтказишга тайёр эканимизни тасдиқлаймиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг энг долзарб ва истиқболли йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчи.** Жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб жараёнлар, «савдо урушлари» кескинлашиб, протекционизм кучайиб бораётган бугунги шароитда МДҲ эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолият юритиши ва ўзаро бозорларни шакллантириш ҳал қилувчи масалаларга айланиши лозим.

Фақат йилнинг бошидан буён Ўзбекистон ва Ҳамдўстликнинг кўпчилик мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми сезиларли даражада ўсди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг юқори даражадаги ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида божхона тартиб-таомилларини имкон қадар соддалаштириш, савдо соҳасидаги мавжуд барча тўсиқ ва чекловлар, жумладан, техник ғовларга барҳам бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамдўстлик маконида хизматлар бўйича эркин савдо зонасини тезроқ яратиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчи.** Ўзбекистон машинасозлик, энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперацияни янада кучайтириш тарафдоридир.

Биз бундай ҳамкорликни Ҳамдўстликнинг барча мамлакатлари билан фаол ривожлантирмоқдамиз.

Қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистонда МДҲ мамлакатлари иштирокида Молия-банк форумини ўтказишга тайёрмиз.

**Учинчи.** Тарифлар бўйича ўзаро имтиёзлар беришга доир ягона механизмни жорий этган ҳолда, халқаро ва минтақавий транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш, барча турдаги транспортлар билан юк ташишга оид талабларни бирхиллаштириш ва турли тўсиқларни бартараф этиш, логистика марказларини ривожлантиришга қаратилган ишларни давом эттириш муҳимдир.

**Тўртинчи.** Бизнинг фикримизча, ўзаро маҳсулот етказиб беришда «яшил йўлаклар»ни кенг жорий этиш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги самарали ҳамкорликка хизмат қилади.

МДҲнинг Агросаноат комплекси масалалари бўйича кенгаши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа тузилмалари фаолиятини фаоллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Бешинчи.** Ҳамдўстлик мамлакатларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли тобора ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, МДҲ доирасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича узоқ истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни маъқуллаймиз.

Шу тариқа саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳалари, молия секторида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида илғор рақамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, аҳоли ва бизнес субъектларининг қулай электрон хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширган бўлар эдик.

**Олтинчи**. Ҳудудлараро ва чегараларга яқин минтақалар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда 2020 йилда МДҲ минтақалари форумини ўтказишни таклиф этамиз.

**Еттинчи**. Фашизм устидан қозонилган умумий Ғалабамизнинг 75 йиллигини кенг нишонлаш бўйича биргаликда тадбирлар ўтказишга устувор эътибор қаратамиз.

Бу масала 2020 йилда Ўзбекистоннинг МДҲга раислиги концепциясида алоҳида акс эттирилади.

**Саккизинчи.** Хавфсизликни таъминлаш, юзага келаётган таҳдидларга ўз вақтида жавоб қайтариш мамлакатларимиз барқарор тараққиётининг ҳал қилувчи шартидир.

Афғонистонда ҳануз давом этаётган қуролли можаро Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг аксарияти учун умумий таҳдид бўлиб қолмоқда.

МДҲ Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан тезроқ ҳал этишга қаратилган халқаро саъй-ҳаракатларда муҳим роль ўйнашга қодир.

Халқаро терроризм хавфининг тобора ортиб бораётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги террорчилик тузилмалари катта молиявий ресурсларга, энг янги ахборот ва техника воситаларига эга, юқори даражада ҳаракатчан ва тезкордир.

Ҳозирги пайтда уларнинг Яқин Шарқдан Афғонистонга, МДҲ чегаралари яқинига кўчиб ўтиш тенденцияси кучаймоқда.

Мамлакатларимиз терроризм хавфини ўз вақтида ва самарали қайтариш учун ўзаро келишилган, аввало, олдиндан зарба беришга қаратилган ҳаракатларга тайёр туриши лозим.

МДҲ маконида юзага келаётган хавфсизликка қарши таҳдидларнинг ўз вақтида олдини олиш учун таҳлилий ва тезкор ахборот билан мунтазам алмашишнинг амалдаги механизмлари доирасида самарали ҳамкорликни таъминлаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ёшлар ўртасида радикаллашув муаммоси эътиборимиз марказида бўлиб қолиши лозим. Шу муносабат билан таълим-тарбия, илм-маърифат, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун зарур шароитлар яратиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарур.

Ўзбекистон МДҲга аъзо давлатларнинг Ёшлар масалалари кенгаши фаолиятига қўшилмоқда ва унинг фаолиятида фаол иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**Тўққизинчи**. Маданий-гуманитар алоқалар ва маънавий қадриятлар Ҳамдўстлик мамлакатларини ҳамиша бирлаштириб келаётган кучдир.

Айнан шунинг учун ҳам биз ҳар йили мамлакатларимизда навбати билан туризм ярмаркалари ва МДҲ маданияти кунларини, Ҳамдўстликнинг ижодкор ёшлари ўртасида мунтазам учрашувларни, уларнинг ҳар бирини муайян мавзуга бағишлаган ҳолда ташкил этишни, шунингдек, МДҲ Давлатлари маданий мероси Виртуал музейини яратишни таклиф этамиз.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Сўзимнинг якунида туркманистонлик дўстларимизни Ҳамдўстликка раисликни қабул қилгани билан табриклаш ва уларга катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам Эмомали Шарипович Раҳмонга самимий қабул ва саммит юксак даражада ташкил этилгани учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устозлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясидек шарафли ишга бағишлаган барча юртдошларимизни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: **“Инсон тафаккурининг қуввати ва кенглиги аввало муаллим тарбиясига боғлиқ”** деган сўзлари сизларнинг машаққатли, айни вақтда олижаноб фаолиятингизга берилган юксак баҳодир, десак, ўйлайманки, адашмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўзимиздаги жамики яхши фазилатлар, ҳаётда эришаётган барча ютуқларимиз учун сиз, азизлардан умрбод қарздормиз.

Ушбу қутлуғ айёмда сизларнинг шаънингизга энг гўзал сўзлар, эзгу тилакларимизни изҳор этар эканмиз, барчамизнинг камол топишимиз, жамиятда муносиб ўрин эгаллашимизда бор билим ва тажрибасини, қалб ҳароратини бахш этиб келаётган меҳридарё устозларимизга чин юракдан миннатдорлик билдирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия — ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган энг муҳим ва устувор масаладир.

Шунинг учун мамлакатимизда бу масалага давлат миқёсида улкан эътибор қаратилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, охирги вақтда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини мутлақо янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган бир неча муҳим қарорлар ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан.

Аввало, 2017 йил 30 сентябрда қабул қилинган Президент қарорига мувофиқ юртимизда биринчи марта Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Шу асосда ўтган қисқа даврда ушбу тизим тубдан янгича негизда ташкил этилгани, 980 дан ортиқ боғча қурилиб, ишга туширилгани, бу масканларда таълим-тарбия ишлари мазмун ва сифат жиҳатидан энг илғор усул ва воситалар ёрдамида олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Яна бир муҳим ҳужжат — 2018 йил 14 августда қабул қилинган Президент қарорига биноан бошланғич ва юқори синф ўқитувчиларининг маошлари тенглаштирилди, янги йилдан бошлаб мутахассис ўқитувчиларнинг оширилган ойлик иш ҳақи миқдори 54 фоизга, олий тоифали педагогларники эса 64 фоизга етиши кўзда тутилмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг самараси, юртимизнинг тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан узвий боғлиқдир.*

*Бугун замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган фарзандларимизнинг муносиб камол топишида ўқитувчи ва мураббийларимизнинг ҳиссаси беқиёс эканини таъкидлаш лозим.*

*Мамлакатимизда таълим ва тарбия тизимини давр талаблари асосида такомиллаштириш, соҳага доир ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Аннакулова Назокат Эшалиевна** — Термиз шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Мамадалиев Аббос Мамасолиевич** — Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**(Давоми 2-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, педагог ходимларни намунавий арзон уй-жойлар, автотранспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш, уларнинг оила аъзоларига тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли кредитлар ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Ана шу ишларнинг давоми сифатида шу йил 5 сентябрда қабул қилинган **“Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Президент Фармони соҳа тараққиётида янги уфқлар очиб беради, деб ўйлайман.

Фармонда, жумладан, халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, нодавлат умумтаълим масканлари тармоғини янада ривожлантириш, “Замонавий мактаб” давлат дастурини тайёрлаш, ишлаб турган пенсионер ўқитувчиларга пенсияларини тўлиқ миқдорда тўлаш каби масалалар аниқ белгилаб қўйилганидан сизлар албатта хабардорсиз.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилмоқда. Янги олий ўқув юртлари билан бирга чет элдаги нуфузли университетларнинг филиаллари очилмоқда, олий таълим муассасаларига қабул квоталари оширилмоқда, кўпгина йўналишлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси таълим-тарбия жараёнларининг сифати ва даражасини замон талаблари асосида тубдан яхшилаш, заҳматкаш устозларимиз, мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган барча фидойи инсонлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг қадр-қимматини юксалтиришга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир.

Юртимизда жорий йил Инвестиция дастури доирасида 356 та таълим муассасасида 684 миллиард 700 миллион сўмлик, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича эса 371 умумтаълим мактабида 424 миллиард сўмдан зиёд қурилиш-реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил август ойига қадар Давлат бюджетидан 12 триллион 366 миллиард сўм ёки ялпи харажатларнинг 26 фоиздан зиёди айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилганини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу тизимдаги ислоҳотларимизнинг кўлами ва миқёси янада яққол аён бўлади.

Албатта, мамлакатимизда амалга оширилаётган ана шундай улкан ишларнинг амалий таъсири ва натижадорлигини таъминлашда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни ва роли беқиёс эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шунинг учун ҳам ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, замонавий билим ва касб-ҳунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли инсонлар этиб вояга етказишда аввало сизларга таянамиз.

Айниқса, бутун дунёда мураккаб ва таҳликали вазият ҳукм сураётган ҳозирги вақтда ёшлар ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда сизларнинг ибратли фаолиятингиз улкан аҳамиятга эга.

Шу борадаги ўта масъулиятли вазифалар сизлардан ўз устингизда тинимсиз ишлаш, фарзандларимизни янгича тафаккур, юксак инсоний туйғулар билан ошно этиш, уларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини узлуксиз ривожлантириб боришни талаб этмоқда.

Ишончим комил, миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ватанимизнинг ҳар бир фарзандини ўз боласидек севиб, ардоқлаб, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш учун сидқидилдан меҳнат қилаётган сиз, ҳурматли Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийлари бу вазифаларни албатта шараф билан адо этасиз.

Бу йўлда сизларни доимо қўллаб-қувватлаш, барча зарур шароитларни яратиб бериш учун давлатимиз ва жамиятимиз ўзининг бор куч ва имкониятларини бундан буён ҳам аямайди.

Азиз ва муҳтарам устозлар!

Барчангизни бугунги умумхалқ байрами билан яна бир бор самимий табриклайман.

Олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, меҳрибон устозлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Караева Хабиба Бебитовна** — Жондор туманидаги 49-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Ходжаева Махтума Зиятовна** — Учтепа туманидаги 287-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Раджабов Бахтиёр Шарипович** — Чирчиқ давлат педагогика институтининг аниқ фанлар кафедраси профессори, Тошкент вилояти

**Сейдаметова Тамара Султамуратовна** — Шуманай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Юлдашева Гулчехрахон** — Андижон туманидаги «Гумбаз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Аҳмежанов Алим Ачилович** — Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийи

*Юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, чуқур билим ва замонавий касб-ҳунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, мустақил фикрлайдиган, иқтидорли, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Алеуов Усербай** — Нукус давлат педагогика институтининг педагогика кафедраси профессори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қурамбаева Марям** — Хонқа туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактаби директори, Хоразм вилояти

**Муталова Гулчехра Хамидовна** — Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Урмонов Жалолиддин Рустамович** — Данғара туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдуазизова Зулфия Хайруллаевна** — Янгиобод туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ашуров Немат Абдужаббарович** — Пайариқ туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Генжебаева Гулпаршин Шаудирбаевна** — Кегейли туманидаги 14-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жумаева Гулнора Бобоқуловна** — Бухоро давлат университети қошидаги Қоракўл академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Исмаилов Тулавай Дустович** — Олмазор туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Кадирова Равшаной Исмаилжановна** — Андижон шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Қодиров Дўстқобил Тўрабаевич** — Меҳнат фахрийси, Сурхондарё вилояти

**Мадярова Светлана Аминовна** — Тошкент давлат педагогика университетининг умумий педагогика кафедраси доценти, Тошкент шаҳри

**Муминова Махпратхон Турсуновна** — Уйчи туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Рузметов Қадамбой Оллаберганович** — Қўшкўпир туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабининг афғон рубоби синфи ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Саъдуллаева Нигора Хайриевна** — Нурота туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Турғунова Хамидахон Позиловна** — Фарғона туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Турсунова Қосима Махкамовна** — Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент вилояти

**Улжабаев Умурзак** — Гулистон давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, Сирдарё вилояти

**Хамдамов Уткир Мирзокаримович** — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Эргашева Айкумуш Хушвактовна** — Қарши шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Бердиева Нигара Курбановна** — Жомбой туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Гаспарян Светлана Суреновна** — Юнусобод туманидаги 246-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Мелиев Хамидилла Абдуллаевич** — Жиззах давлат педагогика институтининг мактабгача ва бошланғич таълим методикаси кафедраси профессори, Жиззах вилояти

**Рахимкулова Мукаддам Хакимовна** — Қарши шаҳридаги 46-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

**Сон Светлана Михайловна** — Қорақалпоғистон Республикаси 1-Меҳрибонлик уйи директори

**Шаипов Рафик Мирхайдарович** — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг спорт акробатикаси бўйича катта мураббийи

## «Дўстлик» ордени билан

**Бутаев Исмайил Азимович** — Деҳқонобод туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Жуманиязов Атабай** — Урганч давлат университетининг немис ва француз тиллари кафедраси профессори, Хоразм вилояти

**Кучаров Шарафидин Турапович** — Денов туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Кучкарова Замира Акрамалиевна** — Гулистон туманидаги 10-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

**Люкшина Алевтина Николаевна** — Сергели туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Мадреймова Улпаш Каринсауовна** — Томди туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

**Мухитдинова Саноатхон Кахаровна** — Меҳнат фахрийси, Наманган вилояти

**Отамуратов Шавкат Каримович** — Боғот туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Рафиева Олима Абдурауфовна** — Бухоро шаҳридаги 54-мактабгача таълим муассасаси мудири, Бухоро вилояти

**Рузиева Ирода Зубайдуллаевна** — Каттақўрғон туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Тен Светлана Константиновна** — Юқори Чирчиқ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Туйчиева Холидахон Рўзиевна** — Қўрғонтепа туманидаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Андижон вилояти

**Умарходжаев Мухтар Ишанходжаевич** — Андижон давлат университетининг немис тили ва адабиёти кафедраси мудири, Андижон вилояти

**Ходжалепесова Гулистан Холдасовна** — Қорақалпоғистон Республикаси Ибрайим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Хошимова Мамлакат Муйдиновна** — Қўқон давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, Фарғона вилояти

**Шарипова Рабия Хизриевна** — Ғаллаорол туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Якубова Одинахон Анваровна** — Марғилон педагогика коллежининг педагогика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдужабборова Муқаддас Юлдошевна** — Қашқадарё вилояти Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**Абдуллаева Людмила Хадиевна** — Самарқанд давлат чет тиллар институтининг инглиз тили ва адабиёти кафедраси доценти, Самарқанд вилояти

**Абдурахимова Дилором Олимжановна** — Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи директори, Наманган вилояти

**Абдурахмонова Махмудахон Орифовна** — Ўзбекистон туманидаги 9-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Фарғона вилояти

**Амонова Хуршида Абдукодировна** — Оҳангарон туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Асанова Гулсара Сагиндиковна** — Чимбой туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ахмедов Бахадир Усманович** — Сирдарё туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Ашуров Бахром Абдумавлонович** — Жиззах вилояти ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

**Бабаханова Дилбар Шамирзаевна** — Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Байрамтаганова Гулайим Сапарбаевна** — Тўрткўл туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг биология ва кимё фанлари ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бариева Мукаддам Исамутдиновна** — Бухоро шаҳридаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Бердиева Ирода Шодмоновна** — Шофиркон туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Бобоқулова Гулнора Тўраевна** — Шеробод туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Бозорова Гулбахор Райимовна** — Каттақўрғон педагогика коллежининг педагогика ва психология фанлари ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Вискунова Ольга Александровна** — Шўрчи туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

**Давлетяров Бахадир Тулебаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг академик эшкак эшиш бўйича мураббийи

**Давронова Райхон Давлатовна** — Чироқчи туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Даулетмуратова Клара Курбанбаевна** — Қўнғирот саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Дўстова Ойражаб Суюновна** — Қўшрабод туманидаги 85-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Жалилова Барнохон Рахматовна** — Боёвут туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Ибрагимова Муътабар Фахриевна** — Тайлоқ туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Исроилова Нилюфар Жалаловна** — Чирчиқ шаҳридаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Тошкент вилояти

**Кадирова Дилбар Нормуминовна** — Термиз давлат университетининг биология кафедраси доценти, Сурхондарё вилояти

**Кувватова Мухайё Тулкиновна** — Жиззах вилояти Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**Култаева Малика Нуралиевна** — Жарқўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Курбанова Зарифа Бокижановна** — Наманган давлат университетининг педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Мадаминов Маъмиржон Абдуманнабджонович** — Хўжаобод туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Маликова Саодат Талиповна** — Учтепа туманидаги 238-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Махмудова Гулбахор Маруфовна** — Чуст туманидаги «Wonderkids school» нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Наманган вилояти

**Мирдадаева Наргиза Мирсидиковна** — Шайхонтоҳур туманидаги 157-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Мирзаджанов Фарход Мирхамитович** — Спорт якка курашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи

**Морозова Владислава Анваровна** — Қувасой шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Муллаева Зиёдаой Махмудовна** — Хатирчи туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Мухамедова Дилфуза Батировна** — Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Носиров Исроил Махмудович** — Паркент туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Пец Алёна Юрьевна** — Ғузор туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Полвонова Мунавархон Акрамовна** — Риштон туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Пулатова Зиёда Турсуновна** — Андижон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Равшанова Дилфуза Райемқуловна** — Самарқанд шаҳридаги «Тимур-Файз» нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Самарқанд вилояти

**Разикова Хосият Кахрамоновна** — Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Расулова Нурия Халимовна** — Косон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Расулова Сайёра Холбековна** — Арнасой туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Рахимов Абдухошим Абдукаримович** — Ўзбекистон туманидаги 65-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Раҳматуллаева Моҳира Турдалиевна** — Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Розимова Гулхумар Хаджиевна** — Беруний туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Саманова Раъно Даниёровна** — Янгиқўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Саттарова Адинахон Мамадалиевна** — Бўз туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Сиддиқова Садоқат Ғаффоровна** — Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Талипова Фарида Тишабаевна** — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи энагаси

**Турдибекова Замира Хаметовна** — Бекобод шаҳридаги 5-мактабгача таълим муассасаси мудири, Тошкент вилояти

**Турдиева Зилола Абдуллаевна** — Олтинсой туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Турсункулова Мохира Қудратовна** — Мирзаобод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Уринова Роба Солижановна** — Наманган шаҳридаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Усмонов Шуҳрат Зиёдиллаевич** — Навбаҳор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Хайитов Зафар Узакович** — Навоий давлат педагогика институтининг миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири, Навоий вилояти

**Хамракулов Рустам Шамшиевич** — Чилонзор туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази тўгарак раҳбари, Тошкент шаҳри

**Ходжаева Дилафрўз Изатиллоевна** — Бухоро давлат университетининг инглиз тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Ҳазратқулова Муборак Ражабовна** — Касби туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Шадиев Ризамат Давранович** — Қарши давлат университетининг мактабгача ва бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, Қашқадарё вилояти

**Шеров Абдуразоқ Абдуфатоевич** — Сўх туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Шодиева Дилфуза Ибрагимовна** — Бектемир туманидаги 293-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Эгамбердиев Атабек Рўзимович** — Ҳазорасп туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Эргашева Дилфуза Тожибоевна** — Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи энагаси, Фарғона вилояти

**Юлдашева Шохида Бахтияровна** — Тошкент туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Юсупов Абдумуталиб** — Андижон қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Юсупова Виктория Викторовна** — Хива шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» тарбиячиси, Хоразм вилояти

**Юсупова Шаҳло Шарифовна** — Қизилтепа туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 сентябрь

1 октябрь — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

# Энг улуғ касб эгаларига эҳтиром

"Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий бир ҳарф ўқитган зот ҳақини юз ганж ила ҳам адо этиб бўлмаслигини таъкидлаган.

Дарҳақиқат, ўз билим ва тажрибаси, истеъдод ҳамда маҳорати, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғини маърифат йўлига бахшида этган инсонлар ҳар қанча эъзозу эҳтиромга муносиб.

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фидойи устозлар доимий эътиборда. Ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинаётгани ҳам уларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

...Таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва жонкуяр мураббийлар 28 сентябрь куни мамлакатимизнинг Бош майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйишди.

"Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг илғор ўқитувчилари, фидойи мураббийлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президент маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ тақдирланган фидойи касб соҳибларига давлат мукофотларини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ҳамда Президент маслаҳатчиси А. Абдувахитов топширди.

Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, турмушимизни янада фаровонлаштириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлодни вояга етказишга мустаҳкам замин яратмоқда.

Мактаблар тубдан таъмирланиб, янгилари бунёд этилаётгани, уларнинг моддий-техника базаси замон талабларига мослаштирилаётгани, ўқитувчи ва мураббийлар ойлик маошлари изчил оширилиб, уй-жой ҳамда автотранспорт воситаси харид қилиши, кредитлар олишида турли имтиёзлар яратилаётгани, энг муҳими, маърифат аҳлининг мажбурий меҳнатга жалб этилишига батамом барҳам берилиб, қадр-қиммати, жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бугун ҳар бир юртдошимизни ғоят мамнун этаётгани шубҳасиз.

— Меҳнатимиз қадрланаётганидан беҳад хурсандмиз, — дейди Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Садоқат Сиддиқова. — Бу эътироф, бу рағбат фарзандларимизни етук инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу ишларда янада фаол бўлишга ундайди.

Бугунги интеграциялашув жараёни кучайган, ахборотлашган замон ўқитувчини илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланадиган ижодкор устоз даражасига кўтаришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши психологи", "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси", "Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси" ва бошқа кўрик-танловлар ана шу мақсадга хизмат қиляпти.

Тантанали йиғилишда мазкур танловлар ғолибларига диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Ибрайим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Г. Ходжалепесова, Индонезиянинг Жакарта ҳамда Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинлари ғолиби И. Холдоров, Сергели туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси А. Люкшина ва бошқалар устоз ҳамда мураббийларни байрам билан қутлаб, шарафли касб соҳибларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир маърифат аҳлига бағишланган шеърини ўқиб берди.

Тадбирда санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲИНДИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натҳ Ковинднинг таклифига биноан 2018 йил 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Марказий ва Жанубий Осиёнинг етакчи икки мамлакати ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа олдидан Деҳли шаҳрида ўзаро самарали ҳамкорликнинг бугунги аҳволи акс этган қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Бугунги кунда Ҳиндистон Ўзбекистонда бизнес юритишга катта қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Ҳиндистон саноат конфедерацияси томонидан Деҳлида ташкил этилган Ўзбекистон — Ҳиндистон бизнес форуми икки мамлакатнинг уч юздан ортиқ етакчи ишбилармонларини жамлади.

Тадбирда Ўзбекистон делегацияси таркибида вазирлик ва идоралар, вилоят ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарлари, «Ўзавтосаноат», «Ўзбекэнерго», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбекистон металлургия комбинати», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзэлтехсаноат» каби йирик компаниялар раҳбарлари, хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди. Ҳиндистон томонидан эса 150 дан ортиқ йирик саноат корхоналари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг турли иқтисодиёт секторлари ўртасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари кўплаб қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Шу маънода, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатли муносабатларда устувор йўналишлардан бири ҳисобланиши шубҳасиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокидаги 145 корхона фаолият юритмоқда.

2017 йилда ўзаро савдо ҳажми 320 миллион доллардан ошди. Ўзбекистон Ҳиндистонга металл, минерал ўғитлар, бальзамлар, ипак, дуккакли маҳсулотлар ва бошқа товарларни экспорт қилади. Ҳиндистондан мамлакатимизга, асосан, фармацевтика ва тиббиёт маҳсулотлари, шунингдек, қора металл, технологик ускуна, автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар импорт қилинади.

Фармацевтика саноати ва соғлиқни сақлаш, туризм, хусусан, тиббиёт туризми, ахборот-коммуникация технологиялари, қишлоқ хўжалиги, минерал ресурслар, жумладан, рангли ва ноёб металларни ўзлаштириш ва қазиб олиш, инфратузилма ва замонавий арзон уй-жойлар қурилиши соҳасидаги лойиҳалар икки томонлама ҳамкорлик учун истиқболли соҳалар саналади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг Тошкентдан Деҳли ва Амритсарга тўғридан-тўғри мунтазам қатновларни йўлга қўйиши икки мамлакат фуқаролари учун ҳам айни муддао бўлди. Масалан, 2017 йилда Ўзбекистонга Ҳиндистондан 10 мингдан зиёд сайёҳлар ташриф буюрди. Туризм соҳасидаги фаолиятни янада фаоллаштириш мақсадида Тошкентдан Мумбай ва Ченнаи шаҳарларига тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи доирасида ташкил этилган тадбирлар якуни бўйича умумий қиймати 95 миллиондан ортиқ бўлган 30 та экспорт шартномаси, шунингдек, 3 миллард долларлик 50 та сармоявий лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Бизнес форуми давомида Ҳиндистон саноат конфедерацияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш бўйича Битим имзоланди. Деҳли шаҳрида Ўзбекистон миллий кўргазмаси очилди. Унда машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот, қандолатчилик, озиқ-овқат ва юртимизнинг бошқа етакчи тармоқлари маҳсулотлари стендлари ўрин олган.

Мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхонасида ташкил этилган матбуот брифингида Ҳиндистоннинг етакчи нашрлари, телеканаллари, ахборот агентликлари ва онлайн нашрларининг 50 га яқин вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг махсус топшириқлар бўйича элчиси И. Неъматов ва мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Арзиев Ҳиндистон матбуоти ходимларига давлатимиз раҳбарининг бўлажак давлат ташрифи аҳамияти, минтақавий ва халқаро масалаларда икки томонлама муносабатларнинг суръати, иқтисодий ва савдо алоқаларнинг ҳолати тўғрисида маълумот берди. Шунингдек, маданият, кинематография, инвестиция ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга давлат ташрифи ҳар жиҳатдан самарали ва натижадор бўлиши ҳамда халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик анъанавий дўстлик муносабатларида янги саҳифани очиши алоҳида таъкидланди.

Жануби-Шарқий Осиёнинг халқаро мухбирлари клубида ташкил этилган матбуот брифинги ҳам Президентимизнинг Ҳиндистонга бўлажак давлат ташрифига бағишланди. Унда Деҳлида аккредитациядан ўтган хорижий мухбирларнинг Ўзбекистон — Ҳиндистон савдо ва иқтисодий муносабатлари, мамлакатимизнинг инвестициявий ва туризм салоҳияти, икки давлатнинг минтақавий ва халқаро масалалардаги ҳамкорлиги тўғрисидаги саволларига жавоб берилди. Тадбир халқаро мухбирлар клубининг «Фейсбук» саҳифасида реал вақт режимида ёритилди.

Ушбу тадбирлар тафсилоти газета ва журналлар, интернет-нашрлар, ижтимоий тармоқлар ва телевидение каналларида эълон қилинган 200 га яқин материалларда ёритилди. Яқинда Деҳлида ОАВнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, туристик жозибадорлиги, кўп қиррали икки томонлама муносабатлар ва бизнес алмашинувга бағишланган махсус сонлари чоп этилди. Хусусан, ҳар ой чоп этиладиган «Business Central Asia» журналининг сентябрь ойидаги сони тўлиқ Ўзбекистонга бағишланди. Бу нашр (адади 40 минг нусхадан ортиқ) Ҳиндистоннинг расмий ва ишбилармон доиралари, дипломатик ва халқаро ваколатхоналари орасида кўп ўқилади. Журнал муаллифлари ва ҳиндистонлик экспертлар томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий ўзгаришлар таҳлил қилиниб, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсат, ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатлар, туризм ва авиақатновлар, инвестициявий жозибадорлик соҳасидаги янгиликлар шарҳига алоҳида эътибор қаратилган. Айрим мақолалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги маърузасида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида илгари сурилган халқаро ва ички сиёсатга доир ташаббусларига бағишланган.

«Ўзбекистонда нима ўзгарди?» сарлавҳали мақолада минтақавий сиёсат, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берилган. «Ўтган бир ярим йил ичида Ўзбекистон Президенти 25 олий даражадаги ташрифни амалга оширди, 60 дан зиёд давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашди, улар доирасида савдо ва инвестиция соҳаларида 400 дан ортиқ шартнома имзоланди», дейилади мақолада. «Ўзбекистон раҳбарияти ўзининг инновацион ёндашуви ҳамда ички ва ташқи сиёсати самарали эканини амалда исботлади, бу нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишидан манфаатдор хорижий ҳамкорлари учун ҳам муҳимдир».

Журнал саҳифаларида, Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлари, энергетика соҳасидаги оқилона қарорлари ҳақидаги мақолалар ҳам чоп этилган. Хусусан, «Экстремизмнинг олдини олишнинг ўзбек модели» номли мақолада ҳиндистонлик машҳур эксперт Мина Синх Рой Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини очиб берар экан, мамлакат учун таълим, диний ва дунёвий билимларни эгаллаш жамиятни ривожлантириш ва замонавий хавф-хатарларнинг олдини олишнинг асоси ҳисобланишини қайд этган.

Бундан ташқари, журналда зиёрат туризми, Ўзбекистонда сайёҳларнинг хавфсизлик даражаси, электрон ва транзит виза соҳасидаги янгиликлар, шунингдек, мамлакатимизда жорий йилнинг кузида ўтказилиши режалаштирилаётган маданий ва бизнес тадбирлар ҳақида маълумот берилган.

«Business Magazine» журнали бош саҳифасида «Ўзбекистон — Ҳиндистон: савдо ва инвестициялар учун янги имкониятлар» сарлавҳаси остида Ўзбекистон ва Ҳиндистон раҳбарлари сурати чоп этилган. Ушбу нашр Ҳиндистон Тижорат ва саноат палатаси томонидан Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонаси билан ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, икки томонлама иқтисодий муносабатлар, Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришлар динамикаси, сармоявий имкониятлар, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш, фармацевтика соҳасидаги ҳамкорлик, шунингдек, Ўзбекистоннинг сайёҳлик жозибадорлигига бағишланган. «Ҳиндистон билан бизнес ҳамкорлик қилиш учун Ўзбекистон барча имкониятларга эга: Марказий Осиёдаги энг йирик бозор, сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, табиий ресурсларнинг бой захираси, инсон капитали ва энергия ресурслари», дейилади журнал мақолаларининг бирида. Нашр Ҳиндистон хусусий сектори эътиборини Ўзбекистон билан инвестициявий ҳамкорликка жалб қилишга қаратилган.

Ҳиндистоннинг Микро, кичик ва ўрта бизнеси форуми томонидан «Ҳиндистон — Ўзбекистон бизнес ҳамкорлиги» мавзуида махсус нашр чоп этилди. Унда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги чуқур алоқалар батафсил таҳлил қилинган. Икки томонлама савдо айланмасига доир рақам ва фактлар келтирилган, Ҳиндистон йирик бизнес тузилмасининг Ўзбекистондаги қўшма лойиҳалари, фармацевтика соҳасида инвестиция киритиш имкониятлари, эркин иқтисодий зоналар, сармоядорлар учун тақдим этилаётган имтиёз ва афзалликлар, транспорт коммуникациялари, логистика, виза ва бошқа тартиб-таомилларга доир маълумотлар тақдим этилган.

«Visit Uzbekistan» журнали тўлиқ мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти ва халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларга бағишланди. Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонаси томонидан тайёрланган нашрда туризмнинг қизиқарли йўналишлари ва ҳинд жамоатчилиги учун сармояларга бағишланган мақолалар, фоторепортажлар ва ёрқин материаллар жамланган. Хусусан, Шаҳрисабзда ўтган халқаро мақом фестивали, Бухорода ўтказиладиган анъанавий «Ипак ва зираворлар» фестивали, Ўзбекистон шаҳарларида «Хойчой» ҳинд фильмининг суратга олиш жараёни ҳақидаги материаллар, шунингдек, ҳинд муаллифларининг Самарқанд, Марғилон, Қўқон, Андижонга ташрифи, ўзбек ипаги, сопол буюмлари, анъаналари ва меҳмондўстлиги ҳақидаги мақолалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мамлакатимизнинг Деҳлидаги элчихонаси томонидан «Business opportunities of Uzbekistan» («Ўзбекистонда бизнес юритиш имкониятлари») махсус нашри тарқатилди.

Нашрнинг ўн икки бўлимида «Нима учун Ўзбекистонга инвестиция киритиш керак?», «Микроиқтисодий кўрсаткичлар ва ташқи савдо», «Инфратузилма», «Агро-саноат мажмуаси», «Бозор», «Экспорт имкониятлари», «Бизнесни юритиш бўйича Жаҳон банки рейтингида Ўзбекистоннинг ўрни», «Хорижий инвестицияларнинг кафолати ва ҳимояси», «Солиқ сиёсати», «Хорижий инвесторлар учун имтиёзлар ва преференциялар» каби мавзулар ёритилган. Алоҳида бобда «Ангрен», «Ғиждувон», «Ҳазорасп», «Жиззах», «Қўқон», «Навоий», «Наманган», «Ургут» ҳамда фармацевтика эркин иқтисодий зоналари ва улардаги истиқболли йўналишлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Журнал Ўзбекистонда бизнесни юритиш имкониятларини батафсил таҳлил қилиш ва баҳолаш учун кўплаб инфографика, жадваллар, рейтинг ва йиғма маълумотларни ўз ичига олган. Нашр бизнес форумлари, музокаралар, B2B тадбирлари ва тақдимотларда хорижий инвесторлар учун манзилли тарқатишга мўлжалланган.

Ҳиндистоннинг етакчи илмий-тадқиқот институтларида — Мудофаа тадқиқот ва таҳлил институти ҳамда Вивекананда халқаро жамғармасида мамлакатларимизнинг таниқли олимлари, таҳлилчи ва экспертлари Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини таҳлил қилишга бағишланган давра суҳбатларини ўтказди.

Илмий асосда фикр алмашиш чоғида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, мамлакатимизда хорижий инвестициялар учун мавжуд улкан салоҳият, шунингдек, халқаро аҳамиятдаги масалалар, жумладан, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш диққат марказида бўлди.

Экспертлар иқтисодиётнинг реал секторида, таълим, фармацевтика, туризм ва савдо соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини қайд этди. Ҳиндистон улкан муваффақиятларга эришаётган ахборот технологиялари ва инновациялар соҳасида катта истиқболлар мавжудлиги таъкидланди.

Ҳиндистоннинг етакчи тадқиқот марказларидаги мунозаралар икки мамлакат эксперт ҳамжамиятлари вакилларига Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигининг янги даврида турган вазифалар хусусида тасаввур ҳосил қилиш имконини берди.

Таъкидлаш жоизки, айни кунларда Ҳиндистонда маданий-гуманитар ва академик соҳаларда туркум тадбирлар, сармоявий тақдимот ва бизнес форумлари давом этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Ҳиндистон миллий музейи ҳамкорлигида ҳамда «Eriell» компанияси ҳомийлик кўмагида Деҳлида «Ҳиндистон — Ўзбекистон: маданиятлар мулоқоти» қўшма кўргазмаси очилди. Шунингдек, Деҳли, Ноида ва бошқа шаҳарларда Ўзбекистон маданияти ва киноси кунлари бўлиб ўтди.

**ЎзА.**

# ҒОЛИБ СПОРТЧИЛАРНИНГ МУРАББИЙЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

*Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан байрам тадбири ташкил этилди. Унда жорий йилда Индонезиянинг Жакарта ҳамда Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларнинг мураббийларига пул мукофотлари топширилди.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувахитов, жисмоний тарбия ва спорт вазири Д. Набиев ҳамда бошқалар мамлакатимизда ёшларни маънан етук, жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, спортга бўлган қизиқишини ошириш, бу борадаги ютуқ ва ғояларини қўллаб-қувватлаш йўлида самарали ишлар қилинаётганини таъкидлади. Шунингдек, барчани 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами билан табриклаб, спорт мураббийларига масъулиятли ишида муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг XVIII ёзги Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тайёрлаган тренерларни тақдирлаш бўйича фармойиши ўқиб эшиттирилди.

Унга кўра, Осиё ўйинларида шогирдлари олтин медални қўлга киритган мураббийлар 2500, шогирдлари кумуш медаль соҳиби бўлганлар 1500, бронза медалга эга чиққан спортчилар мураббийлари эса 1000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофот пули билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, Индонезиянинг Жакарта ҳамда Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида спортчиларимиз 21 олтин, 24 кумуш ва 25 бронза, жами 70 та медални қўлга киритиб, мазкур ўйинлар тарихидаги энг яхши натижани қайд этишган эди.

**Гулноза БОБОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Винод КУМАР:

# «Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи икки томонлама муносабатларда ёрқин саҳифа очади»

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга кутилаётган давлат ташрифи арафасида мухбиримиз Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Винод Кумар билан суҳбатлашди.*

Эксклюзив интервью



***— Элчи жаноблари, аввалambор, бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик қандай ривожланиб бораётгани ҳақида тўхталиб ўтсангиз.***

— Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар юқори даражада эканлиги яққол намоён бўляпти. Зеро, барча соҳадаги ўзаро муносабатларни янада кенгайтиришдан ҳар икки давлат ҳам манфаатдордир.

Хусусан, Ҳиндистон Бош вазири Шри Нарендра Модининг 2015 йил июль ва 2016 йил июнь ойларида Ўзбекистонга ташриф буюриши, 2017-2018 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашуви ўзаро алоқаларимизга янги суръат бағишлади. Икки томон ҳам барча жабҳадаги ҳамкорликни янада равнақ топтириш истагида эканлигини эътироф этди. Учрашувлар чоғида давлатлар етакчилари ўзаро савдо айланмаси ҳажмини оширишга келишиб олишди. Ҳиндистон ҳам, Ўзбекистон ҳам буни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қиляпти.

Шубҳасиз, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистоннинг очиқ, прагматик ташқи сиёсат юритиши унда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилгани ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун имконият яратади.

Соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ва технологиялар, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик — булар ўзаро ҳамкорлик йўлида мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётган айрим соҳалар сирасига киради. Келгусида бу йўналишлар ривожига алоҳида эътибор қаратилади.

2015 йилда Бош вазир Модининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Маданий ҳамкорлик дастури ҳамда Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида маданий гуруҳлар алмашинуви мунтазамлик касб этган. Ҳар икки йўналишда туризм ҳам тараққий топаётир. Бундай муҳим жараёнлар ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

***— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида нималар дея оласиз?***

— Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар жуда муҳим ва мамлакатга катта ижобий ўзгаришлар олиб келади. Айни чоғда бундай янгиланишлар бутун дунёдан ишбилармон доираларни жалб қилиш имконини берди. Мазкур ислоҳотларда асосий эътибор Ўзбекистон халқига қаратилган, давлат халқ, унинг фаровонлигини юксалтириш учун саъй-ҳаракатлар олиб боряпти.

***— Ҳозирги ўзаро иқтисодий алоқаларимизнинг ҳолати ва қўшма лойиҳалар, дастурлар ҳақида гапириб берсангиз.***

— Ҳиндистондан бир қатор ишбилармонлар делегацияларининг Ўзбекистонга келиши мунтазамлик касб этяпти. Улар бу ерда тадбиркорлик имкониятларини ўрганиб, турли кўргазма ҳамда ярмаркаларда фаол қатнашмоқда. Жумладан, жорий йилда Ҳиндистон давлат кимёвий воситалар ва минерал ўғитлар вазири бошчилигидаги фармацевтика соҳаси вакилларидан иборат делегация ҳамда "Gujarat Industries" федерацияси вакиллари мамлакатингизга келди.

Худди шу каби Ўзбекистоннинг Ҳиндистон бозорини ўрганишга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Буни Ҳиндистонда ташкил этилаётган турли кўргазмаларда иштирок этиш учун кўплаб тадбиркорлар бораётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг шу пайтгача ўн маротаба мажлиси ўтказилди.

***— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга кутилаётган давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим ўрин тутади. Шундай эмасми?***

— Аввало, шуни айтиш керакки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифига мамлакатимиз раҳбарияти, бутун халқимиз томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда. Шубҳасиз, бу воқеа икки томонлама муносабатларда ёрқин саҳифа очади. Кўплаб муҳим соҳаларда истиқболли келишувларга эришилиши кутиляпти.

***— Бизнинг тарихимиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимизда ўхшаш жиҳатлар кўп. Халқларимиз дўстона муносабатларимизни қадрлашади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, маданият, таълим ва ахборот технологиялари соҳасидаги алоқаларимизнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари қандай?***

— Маданият, таълим соҳасидаги ҳамкорлигимиз юксалиб боряпти. Илмий алмашинувлар кўп. Ёшлар Ҳиндистонда ўқиш истагини билдираётганидан хурсандмиз. Тошкент шаҳридаги Жавоҳарлал Неру номидаги ўзбек — ҳинд ахборот технологиялари маркази соҳада яхши ташаббусларни илгари сурмоқда ва бу интилишлар IT йўналишидаги ўзаро ҳамкорлик кенгайишига катта туртки бўлади, деб ўйлаймиз.

***— Ўзбекистон миллионлаб хорижий сайёҳларни жалб этиш учун бой маданий меросга эга. Шу боис ушбу бойликларни дунёга намоён этиш йўлида қатор ислоҳотлар олиб бориляпти, сайёҳлик, айниқса, зиёрат туризмини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Мана шундай катта салоҳият Ҳиндистон фуқароларида қай даражада қизиқиш уйғотмоқда?***

— Ўзбекистон ва Ҳиндистонни қадим-қадимдан ўзаро яқин тарихий-маданий ришталар боғлаб туради. Ҳар икки диёр ҳам бой маданий меросга эга ҳамда минглаб йиллар давомида савдогарлар, сайёҳлар, тарихчилар, ижодкорлар ва бошқалар бу бебаҳо бойликни асраб-авайлаш, уни кўпайтиришга, маданиятлар алмашинувига ҳисса қўшган.

Ҳиндистон аҳолисини Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона каби тарихий шаҳарлар ўзига жалб этаётир. Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда туризм секторини ривожлантириш учун комплекс чора-тадбирлар ва ислоҳотлар амалга оширилаётганини кузатмоқдамиз. Умид қиламизки, булар Ҳиндистондан Ўзбекистонга янада кўпроқ сайёҳлар келишида муҳим омил бўлади. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги маданий ва савдо алоқалари ривожига хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Омонулла ФАЙЗИЕВ суҳбатлашди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

*2018 йил 28 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.*

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети харажатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Давлат бюджетининг харажатлар қисмига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида Олий Мажлис Сенати қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани ва Навоий вилоятининг Конимех тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур туманларнинг чегаралари бошқарув тизимини такомиллаштириш зарурати туфайли ўзгартирилмоқда. Бу эса бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Ҳужжатда Бухоро вилояти Ғиждувон туманининг 10651 гектар ери, шу жумладан, Зафаробод шаҳарчасининг 609,65 гектар ери Навоий вилоятининг Конимех тумани таркибига ўтказилмоқда.

Шундан сўнг сенаторлар қишлоқ хўжалигида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда мазкур соҳадаги норасмий бандлик масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж. А. Кўчқоровга парламент сўрови юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сўров юбориш ташаббуси Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан илгари сурилди.

Таъкидланганидек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ахборотига биноан 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида 2 миллиондан ортиқ кишилар фермер хўжаликларида иш билан банд бўлган. Уларнинг 500 мингдан зиёди расман ишга жойлаштирилган, қарийб 1,5 миллион киши эса норасмий банд бўлганлар. Сенаторлар парламент сўрови юбориш ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурининг ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. А. Абдуҳакимовнинг ахборотини эшитдилар.

Муҳокама чоғида «йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг бажарилмаганлиги сабаблари танқидий муҳокама қилинди, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ушбу дастурни сўзсиз ижро қилиш ҳамда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар билдирилди. Сенаторлар Сенат қарорини маъқулладилар.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Шунингдек, сенаторлар Бухоро вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини эшитдилар.

Қайд этилганидек, 2018 йил февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятига ташрифи чоғида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмлари ўсиши 102 фоизга етди. 2017 йилда ва 2018 йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 1 триллион 66 миллиард 954 миллион сўмдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилди, 2185 тадан зиёд лойиҳалар рўёбга чиқарилди, натижада 21854 та янги иш ўрни яратилди.

2017 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда қарийб 3800 та хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 14700 тадан ошди. Тижорат банклари томонидан уларга 2 триллион 157 миллиард 400 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, сенаторлар Бухоро вилоятида ҳудудларни ривожлантиришга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатадиган қатор муаммо ва камчиликлар борлигини, мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидладилар.

Муҳокама якунлари бўйича вазирликлар ва идораларнинг ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органларининг ҳудудни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш бўйича масъулиятини оширишга қаратилган тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўн олтинчи ялпи мажлис давомида жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган 21 масала, шу жумладан, 14 та қонун кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Шу куннинг ўзида Сенатнинг Матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси иш якунларига бағишланган брифинг ўтказилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.**

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади. Ялпи мажлиснинг иккинчи кунида Ўзбекистонда ратификация қилинган бир неча халқаро ҳужжатлар маъқулланди. Бундан ташқари, сенаторлар 2017 — 2021 йилларда мамлакатимиз аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ҳамда ҳудудларни ривожлантириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти юзасидан тегишли вазирлик ва ҳокимликларнинг ахборот ва ҳисоботларини эшитдилар. Сенат аъзолари кўрилган масалаларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида мухбиримизга ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.*

**Ботир МАТМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:**

— Юртимизда 747 та нотариус лавозими мавжуд, ҳар бир нотариус ўртача 44 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Бу кўрсаткич қўшни мамлакатлар билан таққослаганда жуда катта рақам. Яъни юртимизда нотариус бир кунда ўртача 20 — 25 та ҳаракатни расмийлаштиради. “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинганидан сўнг мазкур рақам 10 — 15 тага камаяди. Ахборот технологиялари соҳага фаол жалб қилиниши натижасида нотариуслар юритадиган 15 та реестр китоби қисқартирилиб, улар электрон тарзда юритилиши ва фуқароларнинг имзолари талаб этилмайдиган бўлади.

Албатта, бу нормалар фуқароларга қулайлик яратиш баробарида, тизим иш самарадорлиги ва сифатини оширади. Шу нуқтаи назардан ҳам мазкур ҳужжат сенаторлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди ва маъқулланди.

“Нотариат тўғрисида”ги Қонунга ҳам бир қатор ўзгартишлар киритиляпти. Жумладан, нотариус бўлиш учун нотариал идорада стажировка ўташ муддати камида бир йилни ташкил этади. Нотариус ёрдамчисига махсус унвонлар — мансаб даражалари бериладио. Нотариуслар ўз касбий малакасини даврий ошириши якунлари бўйича аттестациядан ўтказилади.

Эндиликда нотариал ҳаракатни амалга ошириш чоғида нотариуслар томонидан аудио ва видеоёзув воситаларидан фойдаланилиши мумкин.

**Толибжон МАДУМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари:**

— Сенат ялпи мажлиси кун тартибидаги барча масала долзарб. Шу жумладан, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги ва “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонунлар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиш бўйича аҳолининг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда қулай шароит яратади. Айниқса, сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги янада ошади.

Айтиш мумкинки, тегишли қонун билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколат муддати икки ярим йилдан уч йилга узайтириляпти. Шунингдек, унга киритилаётган янгиликлардан бири — эндиликда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи билан республика даражасида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг комиссияси эмас, балки алоҳида тузиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Республика комиссияси шуғулланади. Унинг таркибига парламент аъзолари, тегишли давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар вакиллари киритилади.

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан эса Конституцияга ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш киритилади.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

**Нигора РАББИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси (Самарқанд вилояти):**

— Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан самарали парламент назоратини олиб бориш — Сенатнинг доимий эътиборидаги масала. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноий жавобгарликни либераллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан аҳоли саломатлигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, рақобатдош ва сифатли табиий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Жумладан, истеъмолчиларни товарнинг истеъмолга оид хусусиятлари ёки сифати хусусида чалғитиш, товарни унга ўхшаш маҳсулотлар билан алмаштириб қўйиш ман этилади. Шунингдек, қалбакилаштирилган маҳсулотнинг хусусиятларини ва сифатини қасддан ўзгартириш, озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, олиб кириш ва реализация қилиш учун жавобгарлик кучайтириляпти. Бу каби ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жарималар миқдори оширилган. Бундан, аввало, халқимизнинг ҳуқуқий хабардорлигини юксалтириш ҳам талаб этилади. Чунки қонунлар амалда ишласагина, кучли ва самарали бўлади.

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси (Қорақалпоғистон Республикаси):**

— Сув масаласи бугун ҳар қачонгидан долзарб. Ундан оқилона фойдаланиш, мавжуд талабларни бажармаганлик учун жавобгарликни кучайтириш эртанги авлодларимиз тақдири билан боғлиқ жиддий қадамдир.

“Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун Сенат томонидан маъқулланди. Унда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш бўйича ҳуқуқий механизмлар янада такомиллаштирилган.

Айниқса, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, сув таъминоти тизими ва канализация объектларидан самарали фойдаланиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг шу йўналишдаги вазифа ва функциялари кучайтирилиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш ваколати берилди.

Қонун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, жумладан, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш масъулиятини оширади.

**Сайёра БАРАТОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:**

— Сенат ялпи мажлисида ваколатимизга тааллуқли масалалар ҳам кўрилди. Айтиш мумкинки, бугун “Зафаробод” қўрғонида 6 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Унда 31 кўп қаватли уй, 2 та умумтаълим мактаби, биттадан мактабгача таълим ҳамда тиббиёт муассасаси ва бошқа қатор ташкилотлар ишлаб турибди.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда ҳудудда ўз ечимини кутаётган айрим масалалар мавжуд. Жумладан, мазкур қўрғондан Ғиждувон тумани марказигача бўлган масофа 80 километрни ташкил қилади. Бу эса аҳолининг тез тиббий ёрдам ва маъмурий идоралар хизматидан фойдаланиш, ижтимоий-маиший эҳтиёжларини қондиришида ноқулайлик туғдирмоқда.

Мисол учун, зафарободлик киши давлат хизматларидан фойдаланиш учун Ғиждувон тумани марказигача камида 80 километр масофани босиб ўтиши керак. Шу куни фуқаронинг иши битса яхши, битмаса яна етишмаётган битта ҳужжат учун такроран келиб-кетишга мажбур бўлмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қўрғонда Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли корхона мавжуд бўлиб, унда ҳудуд аҳолисининг салкам ярми меҳнат қилади. Аҳолининг турмуши мазкур корхона билан бевосита боғланган. Корхонанинг Навоий вилоятида жойлашганидан келиб чиқиб, “Зафаробод” қўрғонини вилоятнинг Конимех тумани таркибига ўтказиш қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг самарали ҳал этилишига хизмат қилади.

Сенатнинг “Навоий вилоятининг Конимех тумани ва Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида”ги қарори мазкур ҳудудларнинг янада тараққий этишида долзарб аҳамиятга эга.

Аввало, туман марказигача бўлган масофа қарийб уч баробар қисқаради. Аҳолининг турли ижтимоий, иқтисодий ҳамда маъмурий хизматлардан фойдаланиш сифати яхшиланади.

Айни чоғда Конимех туманининг инфратузилмасини тубдан яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, туманларда маҳаллий хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка асосланган замонавий саноатни, хизматлар кўрсатиш бозорини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшилади.

**Мунисхон КАРИМОВА
ёзиб олди.**

# Маҳалла

## Оила мустаҳкамлигини таъминлашда унинг ўрни беқиёс

*Тошкент шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан “Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда 20 га яқин давлатлар, халқаро ташкилотлар ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, экспертлар қатнашди.*

Таъкидланганидек, юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясида унинг ролини юксалтириш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Хусусан, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг муаммоларини амалий ҳал этиш, оилаларни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Буни жорий йилнинг ўтган даврида 5 миллионга яқин оилаларнинг ижтимоий-маънавий аҳволи ўрганилиб, улардаги мавжуд муаммолар ҳал этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биргина Яраштириш комиссиялари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 64 минг 214 та мурожаат кўриб чиқилиб, 39 минг 230 та ҳолатда эр-хотин, қайнона-келин, келин ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги ўзаро келишмовчиликларга барҳам берилди, 6 минг 954 та ҳолатда қариндошлар муросага келтирилди.

Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияларнинг ҳам бу борадаги ўрни катта бўлмоқда. Жумладан, ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида маҳаллаларда спорт тўгараклари очилиб, турли мусобақалар ўтказиляпти. Натижада жойларда соғлом турмуш тарзи қарор топиб, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари камайишига эришилаётир. Комиссияларнинг саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг ўтган даврида 500 га яқин ҳуқуқбузарликнинг олди олингани бунга яққол мисолдир.

Тадбир иштирокчилари томонидан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мамлакатимизни изчил равнақ топтириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ҳамда оила ва маҳалла институтларини мустаҳкамлашга қаратилган амалий ҳаракатлар дастури сифатидаги аҳамияти кенг муҳокама этилди.

Бу ҳужжатнинг маҳалла институти фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, фуқаролар йиғинлари вазифа ва ваколатлари, аҳоли билан ишлаш механизми ҳамда оилалар ва ёшлар муаммоларини ҳал этишдаги ўрни, шунингдек, “Соғлом оила — соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга жорий этишга доир ягона давлат сиёсатини юритишнинг долзарб жиҳатлари, аёлларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси мазмун-моҳияти хусусида ҳам сўз юритилди. Айни чоғда жамият ва давлатнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, бугунги кун оиласи муаммолари, намунали оилани аниқлаш мезонлари таҳлил қилинди. Айниқса, юртимизда оиланинг репродуктив саломатлиги, демографик ривожланиши, фаровонлиги ва ҳаёт даражаси, бандлик, хусусий, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан реал даромадини ошириш борасидаги ишлар хорижликларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонда оилаларни мустаҳкамлаш ишига давлат ва жамоат ташкилотлари жалб этилгани, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ, давлат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги самараси меҳмонлар томонидан юқори баҳоланди.

Умуман, мазкур халқаро конференция оилавий қадриятларни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрловчи ҳамда фаол ёшларни тарбиялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик тузилмалари иштирокининг ҳуқуқий, ташкилий ва методик масалалари бўйича ўзаро тажриба алмашиш имконини берди.

Якунда маҳалла институти, оила-никоҳ муносабатлари ва ёшларга оид давлат сиёсати борасидаги қонунчилик базаси ҳамда амалиётини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

**Размик ХУМАРЯН,
МДҲ Ижроия қўмитаси ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик департаменти директори ўринбосари:**



— Фарзандларининг келажагига эътиборли халқнинг эртаси порлоқ бўлади. Юртингизда ёшларга ғамхўрлик қилинаётгани, улар ўзини намоён этиши учун қулайлик яратиб берилаётганига гувоҳ бўлдик. Масалан, ўзимиз бориб кўрган болалар мусиқа ва санъат мактаби, бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабидаги шароит ёрқин таассурот қолдирди. Маҳаллада ҳам ёш авлод тарбиясига масъулият билан қаралади. Шу мақсадда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳаётда ўз йўлини топишига кўмаклашиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўрганишга лойиқ, деб ўйлайман.

**Фредерик ПОНСОНБИ,
Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси:**

— Оилаларнинг моддий ва маънавий даражасига қараб, жамият ҳақида муайян хулосага келиш мумкин. Негаки, жамият оилалардан иборат. Ушбу мезондан келиб чиқиб, дунёнинг ривожланган давлатларида оила масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Хусусан, бизда охирги 21 йил мобайнида оилавий муносабатларга доир қонунчилик бир неча марта такомиллаштирилди. Кези келганда айтиш керакки, бу саъй-ҳаракатлар беиз кетмади, ўз самарасини бермоқда. Сизларда эса мазкур масалага ўзига хос ёндашиларкан. Тегишли қонунчилик базаси яратилган ва у изчиллик билан такомиллаштириляпти, оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласига давлат ва жамоат ташкилотлари бирдек бош қўшади. Бунда халқингизга хос бўлган маҳалланинг ўрни, айниқса, беқиёс. Халқаро анжуман давомида маҳаллага доир кўплаб маълумотга эга бўлдикки, бу дунё миқёсида оила институтини мустаҳкамлашда ўзига хос тажриба сифатида қўл келади.



**Мужган АРИЯ,
Афғонистон Ислом Республикаси Аёллар вазирлиги Зўравонликка қарши кураш юридик бошқармаси комиссияси котиби:**



— Халқларимизнинг муштарак жиҳатлари кўп. Тарихимиз яқин, урф-одатларимиз ва ҳатто тилларимизда ҳам ўхшашликлар бор. Аммо маҳалла ҳақида бундай дейиш қийин. Демоқчи бўлаётганим, ўзбек маҳалласи ўзгача. Унинг бажариб келаётган вазифалари, айниқса, оилаларни мустаҳкамлаш ва ёшларни етук инсонлар сифатида камолга етказиш бобидаги хизматлари улкан. Иккита маҳаллада бўлиб, улар фаолияти билан яқиндан танишиш асносида бунга амин бўлдик. Шулардан келиб чиқиб айтсак, юртингизнинг маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш орқали оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол улғайтириш йўналишидаги тажрибаси таҳсинга лойиқ. Шу маънода, халқаро конференция биз учун фойдали бўлди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71 233-52-55;*
*Котибият 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.17 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6